

6-1-2019

THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF MICROFINANCE IN SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN

N. Sulstonova

Tashkent State Economical University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Sulstonova, N. (2019) "THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF MICROFINANCE IN SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 24.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF MICROFINANCE IN SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN

This article explores the concepts of micro-lending, micro-credit, micro-leasing, microfinance services and their features, the value of microfinance in the national economy and the theoretical and practical aspects of microfinance in commercial banks. The article was developed on the basis of the analysis of scientific and practical recommendations.

Keywords:

micro-loan, micro-credit, micro-credit organizations, micro-leasing, microfinance services, Lombard, entrepreneurship subjects.

After independence, our country pays great attention to the further development of small businesses and private entrepreneurship, especially in the poor, but economically active sectors of the population, as well as raising their economic activity and raising their well-being.

In particular, small businesses and private entrepreneurship entities are strengthening their position every year. They do not only make exportable or import substituting products on the basis of local raw materials, but also fill the consumer market with quality goods, employment of the population, payment of taxes to the society and other compulsory payments, develop free market relations and promote the nation's historical tradition is the easiest way to recover.

Taking into account the high rates of population growth in the country, the need to create new jobs implies full support for the development of these citizens and businesses.

The main criterion for the reforms being implemented in the Republic of Uzbekistan is the liberalization of the economy. Commercial banks are widely representing various types of microfinance services both to legal entities and individuals for the development of healthy competition in the market of financial services.

Funds of micro-finance organizations, sources of their income and other sources not prohibited by the legislation are the sources of funding for microfinance services.

Microcredit organizations are one of the youngest participants in the microfinance market. They have been operating since August 25, 2006 after adoption of the Law of the Republic of Uzbekistan “On microcredit organizations”. Microcredit organization is a legal entity rendering microfinance services, performing microcredit, micro leasing and other microfinance services in accordance with the Law “On microcredit organizations”.

Today, small businesses and private entrepreneurship play a leading role not only in speeding up economic growth rates, but also in solving issues of employment

and income growth, which is extremely important for our country.

In fact, the importance of small businesses and private entrepreneurship in our country today is remarkable. This will help to continue and expand the performance of micro-enterprises in our country, as well as to provide jobs for people in rural areas. The results show that every single microcredit has created two new jobs.

Unfortunately, today there are a number of problems for the full functioning of the market of microfinance services and the development of this sector.

Small businesses and private entrepreneurship have the following problems and shortcomings in microfinance institutions:

- low level of enterprises capitalization;
- limited management of marketing and marketing;
- high level of dependence on large business subjects;
- Insufficient level of competence of small business managers;
- low competitiveness of goods and services;
- uncertainty of many other managing subjects to subjects of small business and private entrepreneurship.

In conclusion, it is noteworthy that over the past period, effective efforts have been made to liberalize and stimulate small business and private entrepreneurship. During this period, practical activities for the strengthening of private property and private entrepreneurship have been stabilizing. Licensing and licensing procedures have been simplified and excessive concerns have been solved. This will enable microfinance providers to choose the right place to engage in a wider range of activities, with the emergence of conditions for access to microfinance resources.

(Full article is available in Uzbek)

Султонова Нилуфар Илхомовна,
ТДИУ, “Банк иши” кафедраси ассистенти
E-mail: Тел: (90) 320-00-12

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Ушбу мақолада микромолиявий хизмат турларининг айримлари ва уларнинг хусусиятлари ўрганилган, мамлакатимиз иқтисодиётида микромолиялаштиришнинг аҳамияти ҳамда тижорат банкларида микромолиялаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Мақолада таҳлилларга асосланган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: микроқарз, микрокредит, микрокредит ташкилотлари, микролизинг, микромолиявий хизматлар, ломбард, тадбиркорлик субъектлари.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ МИКРОФИНАНСИРОВАНИЯ В СФЕРЕ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

В данной статье рассматриваются некоторые виды микрофинансовых услуг и их характеристики, подчеркивается важность микрофинансирования в экономике страны, а также теоретические и практические аспекты микрофинансирования в коммерческих банках. В статье были разработаны на основе анализа научные и практические рекомендации.

Ключевые слова:

микрозаём, микрокредит, микрокредитные организации, микролизинг, микрофинансовые услуги, ломбард, предпринимательство субъекты.

Кириш

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, айниқса, аҳолини кам таъминланган, лекин иқтисодий фаол қатламларини тадбиркорлик фаоллияти билан машғул бўлишга имкон яратиш, шу билан бирга иқтисодий фаоллигини юксалтириб, фаровонлигини ошириб боришга катта эътибор берилмоқда.

Хусусан, республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари йилдан-йилга ўз мавқеини мустахкамлаб бормоқда. Улар маҳаллий хомашё негизида экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, истеъмол бозорини сифатли товарлар билан тўлдириш, аҳолини иш билан банд қилиш, жамиятга эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш орқали катта наф келтирибгина қолмай, у эркин бозор муносабатларини ривожлантириши ва халқнинг тарихий анъана маҳоратини

тиклашнинг энг қулай усулидир.

Республикамизда аҳолининг ўсиш суръатлари юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, янги иш ўринларни яратиш зарурияти мазкур фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2746-сонли Қарорида меҳнат бозорига янги кириб келаётган ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар, меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар ҳамда ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган аҳоли бошқа қатламларининг микромолиялаш хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек янги иш жойлари ташкил этилишини таъминлайдиган оилавий, хусусий тадбиркорликни ва бошқа фаолият турларини ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги “Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2844-сонли Қарорида тадбиркорлик субъектлари ва барча аҳоли қатламининг имтиёзли микрокредитлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, шунингдек, янги рўйхатдан ўтган юридик шахс ташкил этмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига фаолиятини амалга ошириш учун микрокредитлар ажратишни кенгайтириш келтирилди[2].

Юқоридаги ҳолатлар республикада фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини барқарор, самарали ривожланиши учун молиявий маблағлар жалб қилишнинг долзарблигини кучайтириш билан бирга, уларга микромолиявий хизматлар бозори фаолиятини такомиллаштиришни бўйича изланишларни олиб борилишини тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади халқимиз учун фаровон турмуш тарзини таъминлаш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш орқали тараққий топган мамлакатлар қаторидан ўрин олишдан иборат. Айниқса, йилдан-йилга ялпи ички маҳсулот ҳажмининг сезиларли суръатларда ўсиб бораётгани, давлат бюджети даромадлари харажатлардан ошириб ижро қилинаётгани, ижтимоий соҳани молиялаштиришга устуворлик берилаётгани, иқтисодиёт, унинг тармоқлари ва реал секторнинг изчил ривожланиб бораётганини хорижий мамлакатлар экспертлари ҳам эътироф этмоқда[3].

Иқтисодчи И.Рахмонов, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микролизинг ва микрокредит хизматлар ҳажмини оширишнинг қуйидаги йўллари таклиф қилган:

- республика Марказий банкининг тижорат банкларининг бир йилгача

муддатга жалб қилинган муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларини 50 фоизга пасайтирилиши (50% миқдорда пасайтириш натижасида қоладиган пул маблағларини микрокредит сифатида бериш шarti билан) лозим;

- микромолиялаш ташкилотларининг тижорат банкларидаги муддатли депозитларига нисбатан Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаси қўлланмаслиги лозим [4].

Профессор А.Вахабовнинг фикрига кўра, кичик бизнес субъектларига қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларини ташкил этиш мақсадига банклар томонидан берилган инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан бонификация қилиш зарур деб ҳисоблаган [5].


Дастлаб, микрокредитлаш концепцияси иқтисодиёт профессори Муҳаммад Юнус томонидан ишлаб чиқилган. Микромолиялаштириш 1970 йилда Бангладешда замонавий ривожланишидан сўнг камбағалликни йўқотиш ечими сифатида кенг эътироф этилди [6]. Микромолиялашнинг тадбиркорлик ва қашшоқликка таъсирини тасодифий ва таққослама методологиядан фойдаланиб баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борган кам сонли тадқиқотчилардандир. Лекин кўпроқ тадқиқотлар, микрокредитларни олган ва олмаган инсонларни ўзаро солиштирилганда, микрокредитлар олган кишиларнинг камбағаллик даражасини пасайтиришга таъсир кўрсатмагани кўрсатган [7]. Бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим, микромолиялаштиришнинг бизнесга инвестициялар киритиш натижасида корхоналарнинг даромадлари ошганини кўрсатса-да, аммо тадбиркорнинг истеъмоли сезиларли даражада ошмади. Шу билан бирга, бошқа тадқиқотлар шуни кўрсатдики, микромолиялаштириш кам таъминланган кишиларнинг турмуш даражасида харажатларнинг ўсишига таъсир қилади, лекин тадбиркорлик фаолиятида эмас [8].

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда микромолиялаш хизматлари Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига кўра, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларга тижорат банклари, кредит уюшмалари, ломбардлар, микрокредит ташкилотлари ва бошқа кредит ташкилотлар эканлиги келтириб ўтилган [9]. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантирилишида микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар асосий ўринни эгалламоқдалар. Уларнинг молиявий кўмаклари эвазига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қисми ўз бизнесларни йўлга қўймоқдалар.

“Микромолиялаш” тушунчаси мазмуни “Микромолиялаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида очиб берилган. Чунончи, микромолиялаш микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш юзасидан микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолиятидир. Бундай ташкилотлар

жумласига тижорат банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, ва бошқа кредит ташкилотлари киради.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси микромолиялаштириш тизимлари (2019 йил 1 февраль ҳолатига) [10]

Тижорат банклари томонидан 2019 йил 1-январ ҳолатига 167287,8 млрд. сўм пул маблағлари турли соҳаларга ажратилди. Шулардан 30648,8 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этган.

Микрокредит ташкилотлари томонидан 2019 йил 1 апрель ҳолатига мамлакатимиз аҳолисига 353345 млн. сўм кредитлар ва микролизинглар ажратди. Ушбу жами кредитлар ва микролизинглар микрокредит ташкилотлари активининг 90,7%ни ташкил этди. Барча ломбардлар томонидан эса 2019 йил 1 апрель ҳолатига мамлакатимиз аҳолисига кредитлари 93158 млн. сўмни ташкил этди. Ломбардлар томонидан ажратилган жами кредитлар ломбардлар активининг 80,9%ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохатларнинг бош мезони иқтисодиётини эркинлаштиришдан иборат. Тижорат банклари ҳам молия хизматлари бозорида соғлом рақобатчилик ривожланиши учун турли микромолиявий хизматларни юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламда кўрсатиб келмоқда.

Микромолиявий ташкилотларнинг ўз маблағлари, улар олган даромадлар ва қонун ҳужжатлари билан таъқиқлаб қўйилмаган бошқа манбалар микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағлар манбаи ҳисобланади.

Микрокредит ташкилотлари микромолиявий хизматлар бозорининг энг ёш иштирокчилоридан биридир. Улар 2006 йил 25 августдан буён Ўзбекистон Республикаси “Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги” Қонуни қабул қилинган дан сўнг фаолият юримоқдалар. Микрокредит ташкилоти - микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахсдир. 2019 йил 1 февраль ҳолатига микрокредит ташкилотларнинг сони 37 тани ташкил қилмоқда.

Ўзбекистонда ломбардлар 2002 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида”ги 402-сонли Қарори билан фаолият юритиб келмоқдалар. 2019 йилнинг 1 февраль ҳолатига ломбардларнинг сони 55 тани ташкил қилмоқда. Ломбардлар - фуқароларга тегишли бўлган кўчар мулклар гаровга қўйилган ҳолда ломбардлар томонидан фуқароларга кредит бериш тушунилади, яъни ломбардлар аҳолидан тилла тақинчоқлар ва бошқа ликвид буюмларни гаровга қўйиш эвазига маълум бир шартлар ва фоизларда молиявий хизматлар кўрсатмоқдалар.

Шу билан бирга, аҳолининг меҳнат орқали даромад топишга бўлган қизиқишини кескин ошириш, айниқса, муҳтож оилаларнинг хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек, ҳудудларда фойдаланилмаётган биноларда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни, аҳоли томорқалари ва бўш экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳаларни имтиёзли шартларда молиялаштиришни тизимли равишда давом эттиришни тақозо этмоқда [11].

1-жадвал

Микромолиявий хизмат турлари [12]

№	Тури	Мақсади	Суммаси
1.	Микроқарз	Тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга муддатлилик, тўловлилик ва қайтариб бериш шартлари асосида бериладиган пул маблағидир.	Максимал миқдори энг кам иш ҳақининг 100 баровари миқдориди
2.	Микрокредит	Қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кредит тамоиллари асосида бериладиган пул маблағларидир.	Максимал миқдори энг кам иш ҳақининг 1000 баровари миқдориди
3.	Микролизинг	Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг олувчининг топшириғига кўра учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига бериш назарда тутилладиган хизматдир.	Максимал миқдори энг кам иш ҳақининг 20000 баровари миқдориди

Юқоридаги 1-жадвалда микромолиявий хизмат турлари, уларнинг мақсади ва кредит суммаси келтириб ўтилган. Унга кўра, микроқарзнинг максимал миқдори энг кам иш ҳақининг юз баровари миқдориди, микрокредитнинг максимал миқдори энг кам иш ҳақининг минг баровари миқдориди ва микролизингнинг максимал миқдори энг кам иш ҳақининг икки минг баровари миқдориди ажратилади.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари нафақат иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва кам таъминланган оилаларга микромолиявий хизматлар кўрсатишни назарда тутадиган лойиҳаларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий ёрдам кўрсатиш, оилавий тадбиркорлик, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти, касаначилик, ҳунармандчилик ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун микромолиявий хизматлар кўрсатиш, кам таъминланган оилалар даромадини оширишга қаратилган дастурларни молиялаштириш, қишлоқ жойларда бандлигини таъминлаш, корхоналарни технологик жиҳозлаш ва модернизациялаш учун замонавий ускуналар ва мини-технологиялар харид қилишга кредитлар бериш қарорнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди [13].

2-жадвал

2018 йил давомида кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар (асосий йўналишлар бўйича, млрд.сўм) [14]

Асосий йўналишлар	Йиллик, жами	шу жумладан:			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар, жами	30648,9	6308,0	10015,8	8980,4	5344,8
<i>шундан:</i>					
Ажратилган микрокредитлар	6205,7	1120,1	1667,1	1321,7	2096,8
Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга	668,5	158,2	198,2	196,1	116
Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга	6547,8	1338,3	2155,5	1704,4	1349,6
Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга	3561,7	730,0	1146,2	693,0	992,5
Аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун	1748,7	97,9	823,4	234,6	592,8
Хорижий кредит линиялари ҳисобидан (млн. АҚШ доллари)	1039,3	72,2	276,9	311,5	378,8

2-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2018 йил давомида кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитларнинг жами суммаси 30648,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, ажратилган микрокредитлар 6205,7 млрд.сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 668,5 млрд.сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 6547,8 млрд.сўм, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 3561,7 млрд.сўм, аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 1748,7 млрд.сўм ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан 1039,3 млн. АҚШ долларни ташкил этган.

2018 йилнинг биринчи чорагида 6308,0 млрд.сўм, иккинчи чорагида 10015,8 млрд.сўм, учинчи чорагида 8980,4 млрд.сўм ва тўртинчи чорагида 5344,8 млрд.сўм маблағлар кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган.

3-жадвал

2018 йил давомида кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар (тармоқлар бўйича, млрд.сўм) [15]

Тармоқлар	Йиллик, жами	шу жумладан:			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Жами:	30648,9	6308,0	10015,8	8980,4	5344,8
Саноат	9358,0	2285,6	2811,2	2738,5	1 522,9
Қишлоқ хўжалиги	4377,5	689,2	1348,5	1291,4	1 048,4
Курилиш	2514,3	514,3	722,3	699,0	578,8
Савдо ва умумий овқатланиш	5108,9	1540,0	1305,3	1325,6	937,9
Транспорт ва коммуникация	1656,2	328,0	466,9	493,8	367,5
Жисмоний шахслар	1748,5	97,9	823,4	234,6	296,7
Бошқалар	5885,5	853,0	2538,1	2197,7	592,8

3-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2018 йил давомида кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун тармоқлар бўйича ажратилган кредитларнинг жами суммаси 30648,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, саноат тармоғига 9358,0 млрд.сўм, қишлоқ хўжалиги тармоғига 4377,5 млрд.сўм, қурилиш тармоғига 2514,3 млрд.сўм, савдо ва умумий овқатланиш тармоғига 5108,9 млрд.сўм, транспорт ва коммуникация тармоғи учун 1656,2 млрд.сўм, жисмоний шахслар учун 1748,5 млрд.сўм ва бошқа тармоқлар учун 5885,5 млрд.сўмни ташкил этган.

2018 йил давомида кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун энг кўп маблағ саноат тармоғига, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш тармоқларига яъни, жами ажратилган микрокредитларнинг 60 фоиздан ортиғи ушбу тармоқларга ажратилган.

Ҳақиқатдан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бугунги кунда мамлакатимиздаги аҳамияти беқиёс. Чунки бу соҳа мамлакатимизнинг микро даражадаги корхоналар иш фаолиятини давом эттириш ва кенгайтириш, шунингдек чека-чека қишлоқлардаги аҳолини иш билан таъминлашга ёрдам беради. Натижалар шуни кўрсатадики, ҳар бир микрокредит ўзи билан иккита янги иш ўрин яратиши бугун яққол кўриниб турибди.

Афсуски, бугунги кунда микромолиявий хизматлар бозорини тўла қувват билан ишлаб кетиши ва бу секторни ривожлантириш учун бир канча муаммолар мавжуддир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларга қуйидаги муаммо ва камчиликлар мавжуд:

- корхоналарни капиталлаштириш даражасининг пастлигидир;
- мененжмент ва маркетингни мукамал ташкил этишнинг

чекланганлиги;

- йирик бизнес субъектларига юқори даражада қарамлик;
- кичик корхона раҳбарларининг малакаси етарли даражада эмаслиги;
- товар ва хизматлар бўйича рақобатбардошликнинг паст даражадалиги;
- кўплаб бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бўлган ишончсизлиги.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни эркинлаштириш ва рағбатлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу даврда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини мустаҳкамлаш борасидаги амалий фаолиёт барқарорлаштирилмоқда. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш лицензиялаш ва рухсатномалар бериш жараёнлари соддалаштирилди ва бу борадаги ортиқча ташвишлар бартараф этилди. Бу билан микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг яна ҳам кенгроқ кўламда иш олиб борилишига шароит вужудга келиши билан бирга микромолиявий манбаларга эга бўлмоқчи бўлган аҳолини ёки тадбиркорлик субъектларини олдида танлаш имконияти вужудга келади.

Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш бу орқали ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари кўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидагиларни таклифлар ишлаб чиқилди:

- бугун тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёки бошламоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарият қисми молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондиришда кўп ҳолларда тижорат банкларга мурожаат этиш билан чекланиб қолмоқдалар ёки бўлмаса уларнинг бошқа молия муассасаларга, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар тўғрисида етарли маълумотларга, яъни маркетинг тадқиқотлари йўлга қўйилмаганлигига гувоҳи бўлмоқдамиз. Шунинг учун барча банк ва нобанк молия муассасалари ўзларининг реклама қилиш, интернетда веб сайтлар очиш бу борада семинарлар ўтказиб туриш ва ойлик газета ва журналларда ўз фаолиятларига доир мақолалар ёзишини таъминлаш;

- микрокредитларни кенгайтириш мақсадида нобанк кредит ташкилотлари фаолияти ривожланишига ва уларни минтақаларга олиб киришни ҳар томонлама кўмаклашиш;

- микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан ресурс пул маблағларини жалб қилиш кўламини ошириш чора тадбирларини кўриш. Бунинг учун депозит акция, пластик кредит каби имтиёزلарни жалб қилиш, шунинг хорижий инвесторларни жалб қилиш ва бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларидан фойдаланишни такомиллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига лизинг хизмати, шу жумладан, микролизинг хизматлар кўрсатиш ишларини кенгайтириш;

- ҳар бир шаҳар, туманларда микромолиявий хизматлар марказларини

ташкил қилиш чораларини кўриш бунда, тижорат банк, ломбард, кредит уюшмаси, микрокредит ташкилот, суғурта компанияси, лизинг компанияси, консалтинг фирмаларининг етук мутахассислари ўтириб, ўз хизматларини таклиф қиладилар. Натижада молиявий хизматларга талаби бўлган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмайди. Бир марказнинг ўзида ҳам кредит, маслаҳат, суғурта қилишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2746-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги “Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2844-сонли Қарори.

3. Абдуллаева Ш.З. (2014), Микромолиявий хизматлар аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд, кам даромадли қатлами манфаатларига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон овози ижтимоий-сиёсий газетаси. 31.07.2014 й.

4. Рахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. –Тошкент, 2011. –16-б.

5. Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни//“Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: Молия, 2009.–Б. 22.

6. Yunus M (1999) The Grameen Bank. Scientific American 281(5): 114 - 119.

7. Roodman D (2012) Due Diligence: An Impertinent Inquiry into Microfinance. Washington, DC: CGD Books.

8. Dupas P and Robinson J (2013) Savings constraints and microenterprise development: Evidence from a field experiment in Kenya. American Economic Journal: Applied Economics 5: 163–192.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрдаги “Микромолиялаш тўғрисида”ги ЎРҚ-50 сонли Қонуни.

10. <http://cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/2019/02/159211/> Марказий банк расмий сайти маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231 сонли Қарори.

12. Муаллиф томонидан тузилди.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 августдаги “Кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва кам таъминланган оилаларга микромолиявий хизматлар кўрсатишни назарда тутадиган лойиҳаларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 655-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2018 йилги статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.